

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН МИРЗАҚАРИМОВИЧ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАР СЕМАНТИКАСИ ВА
СТИЛИСТИКАСИ
(«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК» МАТЕРИАЛИ МИСОЛИДА)

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 811.512.161
ББК: 81.2-5
М-54

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович Қадимги туркий мақоллар семантикаси ва стилистикаси («Девону луғати-т-турк» материали мисолида)	3
Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович Семантика и стилистика древнетюркских пословиц (по материалам «Дивану луғати-т-турк»)	27
Mirzaaliyev Ikboljon Mirzakarimovich Semantics and stylistics of Old Turkic proverbs (on the materials «Divan lugati-t-turk»)	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗААЛИЕВ ИҚБОЛЖОН МИРЗАКАРИМОВИЧ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАР СЕМАНТИКАСИ ВА
СТИЛИСТИКАСИ
(«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК» МАТЕРИАЛИ МИСОЛИДА)

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil832 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Раҳмонов Насимхон Асқарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» май соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16- уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «26» май куни тарқатилди.
(2020 йил «26» май даги 1 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Мақол жаҳон халқлари оғзаки ижодининг классик жанрларидан бири бўлиб, унда халқнинг узок асрлик тарихи, турмуш тарзи, миллий маданияти, этнографияси, орзу-истаклари, дунёқараши, ўй-фикрлари, тилининг мисқоллаб йиғилган бойлиги тамғаланган бўлади. Халқ мақолларида кишилиқнинг турмуш тажрибалари асосида чиқарган фалсафий хулосалари ихчам ва лўнда шаклда ифода этилган. Уларни қадимги халқ поэтик тафаккурининг, ота-боболар донишмандлигининг бебаҳо мероси, тил тарихининг тақдорланмас ёдгорлиги деса бўлади.

Дунё фольклоршунослигида мақолларни ўрганиш бугунги кунда юқори босқичга кўтарилган. Айниқса, ёзма шаклда кунимизгача етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарининг тадқиқи бўйича алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари устида ҳозирда адабиётшунос-фольклоршунослар билан бир қаторда тилшунослар ҳам тадқиқот ишларини амалга оширилмоқда. Дунё тилшунослигида қадимги мақолларнинг, хусусан қардош бўлган ва бўлмаган мақолларнинг лингвокультурологик, семантик ва стилистик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг шакл ва мазмун мутаносиблиги масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда миллий қадриятимизнинг туб моҳияти, унинг маънавий илдизларини англаш учун ота-боболарнинг ёзма меросини изчил ўрганиш зарурати орта бормоқда. ЮНЕСКО томонидан 2008 йилнинг Маҳмуд Кошғарий йили деб эълон қилиниши муносабати билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида олимнинг илмий меросини ўрганиш бўйича бир қанча халқаро илмий, илмий-амалий анжуманлар, тадбирлар ўтказилди¹. Ушбу тадбирлар доирасида Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва фаолияти, унинг «Девону луғати-т-турк» асари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари, бу борадаги қилинажаги керак бўлган илмий ишлар бўйича маърузалар тингланди². Туркологияда бу асарни ўрганиш борасида жиддий тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамай, унда келтирилган халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан мақолларнинг поэтик ва стилистик механизмига хос бўлган қонуниятлар узил-кесил ҳал қилинган эмас. Жумладан, асарда келтирилган мақоллар кўлами, уларнинг жанр такомиллидаги аҳамияти, ўзига хос поэтик ва лисоний хусусиятлари, қолаверса, мазкур мақолларнинг ижтимоий, бадиий-эстетик ҳамда стилистик жиҳатлари монографик планда тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февralидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги³, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони⁴, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshg'ariy hayoti va «Devonu lug'ati-t-turk» bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – Toshkent: Akademi nashr, 2011. – B. 35-36.

²Ўша жойда.

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 27 февраль, 8-сон, 106-модда.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁷ги Қарори⁷, шунингдек, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган мақолларнинг илк тадқиқотчиси Маҳмуд Кошғарий ҳисобланади. У ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида сўзларнинг маъносини изоҳлаш учун, ўрни билан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан мисоллар келтирган. Булар қадимги дostonлар, халқ кўшиқларидан олинган шеъринг узиндилар (фрагментлар) ва туркий халқлар орасида кенг ёйилган мақоллардир. Муаллиф асарда халқ мақолларини келтирар экан, уларнинг мазмуни ва қандай ҳолатда ишлатилганини ёритиб берган.

Туркий мақоллар устидаги кейинги тадқиқотлар XIX юзйилликнинг иккинчи ярмидан бошланган. Жумладан, Ҳ.Вамбери 1867 йилда «Чиғатой тили дарслиги»да эски туркий мақолларни берган. Шундан сўнг қатор фольклор-шунослар ўзбек халқ мақолларини йиғиш, уларни нашр этиш ишларини бошлаб юборганлар⁸. Ҳаттоки, ўзбек халқ мақоллари рус тилига ҳам таржима қилинган⁹.

Ўзбек фанида халқ мақолларининг комплекс ўрганилиши Ҳолик Абдурахмонов номи билан боғлиқ. Олим ўзининг номзодлик диссертациясида мақолларнинг синтактик хусусиятларини тадқиқ этган¹⁰. Диссертацияда мақолларнинг синтактик қурилиши бўйича атрофлича фикрлар баён этилган. Кейинчалик муаллиф шу мавзу доирасида бир қанча китоблар, қўлланмалар нашр

⁵Ўша ҳужжат, 117- модда.

⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 10 май, 18- сон, 313- модда.

⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 29 май, 21- сон, 389- модда.

⁸Фозилов Э. Маҳмуд Кошғарий ва унинг девони. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 1971. – Б. 35-38; Муталлибов С. «Девону луғотит турк» ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 1971. – Б. 41; Абдурахмонов Ғ. «Девону луғатит турк» асарининг ўрганилиши тарихидан. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. № 6 – Б. 49-51; Худойбердиев Ж. Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва унинг «Девону луғотит турк» асарининг ўрганилиши. – Тошкент, 2010; Маҳмуд ал-Кашғари. Диван луғат ат-Турк. Қазақстанские востоковедческие исследования. Перевод, предисловие и комментарии З.-А.М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005; Девону луғотит турк. Индекс-луғат Ғ. Абдурахмонов ва С. Муталлибов таҳрири остида. – Тошкент, 1967; С.Рустамий. «Девону луғоти-т-турк»даги лингвистик атамалар. – Тошкент. 2006; Т.Мирзайев, О.Сафаров, Д.О‘райева. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi xrestomatiyasi. Toshkent. 2008; Biktagirova Z. Kaşgarlı Mahmud'dun Divanı Lügati't Türk'teki Atasözleri // 2. Uluslararası Türkiyat Araştırmaları Bilgi Şöleni Bildirileri. Kaşgarlı Mahmud ve Dönemi. 28-30 Mayıs 2008. – Ankara, 2009. S. 98-101.

⁹O‘zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. – Toshkent: Sharq. 2005. – B. 4.

¹⁰Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ мақолларининг синтактик хусусиятлари. Филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд-Тошкент, 1964.

эттирган¹¹. Ўзбек халқ мақолларида қофиянинг функционал-услубий ўрни бўйича Х.Шарафиддинов номзодлик диссертациясини ёқлаган¹². Б.Жўраева мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши, лисоний шаклланиши бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ёқлаган¹³. Ушбу тадқиқотларнинг бари, асосан, ҳозирги ўзбек халқ мақоллари доирасида амалга оширилган.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк» асарининг қўлёзмаси топилиб, нашр этилганидан бошлаб қадимги туркий мақоллар устидаги тадқиқот ишлари жадаллашиб кетди. Асар бирин-кетин турли тилларга таржима қилина бошланди¹⁴. Ўзбек олимларидан «Девону луғати-т-турк» устида аввал А.Фитрат илмий изланишлар олиб борган бўлса-да¹⁵, унинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси 1961-1963 йилларда С.Муталлибов томонидан нашр этилган¹⁶. «Девону луғати-т-турк»ни асарнинг қўлёзма нусхаси асосида 2017 йили Қ.Содиқов ҳам нашр эттирди¹⁷.

Фанда «Девону луғати-т-турк»нинг бошқа тилларга таржималари ҳам амалга оширилган. Хусусан, турк, уйғур, қозоқ, озарбайжон, инглиз, немис ва рус тилларига тўлиқ таржима қилинган. Асарнинг русча таржимасини академик А. Рустамий амалга оширди¹⁸.

Ўзбек халқ мақолларининг бадиий адабиётдаги ва фольклордаги ўрни бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилган¹⁹. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши, уларнинг синтактик хусусиятлари ҳамда лингвопоэтик хусусиятларига²⁰ атаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, булар асосан, ҳозирги ўзбек мақоллари асосида, уларнинг мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиёти намуналарида қўлланилиши доирасида амалга оширилди.

¹¹ Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971; ўша муаллиф. Содда гап синтаксиси хусусиятларининг ўрганилишига доир. Олий ўқув юрти студентлари учун материаллар (Мақол, матал ва топишмоқлар материали асосида). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

¹² Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в поэтической структуре узбекских народных пословиц. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1985.

¹³ Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филология фанлари илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Бухоро, 2002; ўша муаллиф. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2019.

¹⁴ Бу ҳақида қаранг: Маҳмуд Кашгарӣ. Дивāну лугāти-т-турк. Свод тюркских слов. Том 1. Перевод на русский язык с комментариями А. Рустами. – Ташкент: Mumtoz soʻz. 2017. С. 7-10; Абдурахмонов Ғ. «Девону луғатит турк» асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2009. №6. – Б. 49-51.

¹⁵ Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Самарқанд, 1927.

¹⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-3- жилдлар. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Муталлибов С. – Тошкент: ЎзФА Фан нашриёти, 1960, 1961, 1963.

¹⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

¹⁸ Маҳмуд Кашгарӣ. Дивāну лугāти-т-турк (Свод тюркских слов) (в трех томах). Том 1. С. 7.

¹⁹ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Қўшоқов М. Сўз кўрки мақол. – Тошкент, 1963; Oʻzbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. – Toshkent: Sharq, 2005; Madayev O., Sobitova T. Xalq ogʻzaki poetik ijodi. – Toshkent: Sharq, 2010.

²⁰ Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971. Б. 184; ўша муаллиф. Содда гап синтаксиси хусусиятларининг ўрганилишига доир. Олий ўқув юрти студентлари учун материаллар (Мақол, матал ва топишмоқлар материали асосида). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филология фанлари илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Бухоро, 2002; Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. авт. – Қарши. 2019.

«Девону луғати-т-турк» кўпгина тадқиқотлар учун асосий манба бўлишига қарамай, ундаги мақоллар стилистикаси бўйича амалга оширилган ишлар санокли²¹. Тилшуносликда ёзма шаклда сақланиб қолган қадимги туркий мақолларнинг таҳлилига бағишланган ишлар деярли амалга оширилмаган, улар тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлилга тортилмаган, мақолларнинг семантик-стилистик хусусиятлари очиб берилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ халқлари адабиётларининг қадимий ёзма манбалари, уларда акс этган қадимий шарқ тафаккури ва маънавий мерос масалалари», «Шарқ мамлакатлари адабиётида жанр ва услуб масалаларини ўрганиш» мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган қадимги туркий мақолларнинг семантик ва стилистик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, уларнинг жанр ва бадиий услуб тақомили ҳамда туркий адабиёт тарихида тутган ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган қадимги туркий мақолларни семантик-стилистик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш;

«Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган мақолларнинг жанр типологияси, тарихий тақомилидаги аҳамиятини илмий асослаб бериш;

асарда келтирилган мақолларнинг қадимги халқ оғзаки ижоди ва поэтик тафаккур тарихидаги ўрнини далиллаш ҳамда қадимги мақоллар услуби, унинг туркий тиллар стилистикаси тарихидаги аҳамиятини исботлаш;

мақоллардаги вариантлик масаласи ва унинг матн услубига таъсири, қадимги туркий мақолларнинг ҳозирги ўзбек халқ мақоллари билан муносабатини тадқиқ этиш;

мақолларнинг синтактик қурилиши ва унинг матн услуби билан мутаносиблигини илмий асослаб бериш ҳамда қадимги туркий мақолларнинг лингво-поэтик хусусиятлари, уларда ишлатилган бадиий санъатларнинг мақоллар услубига таъсири асослаб бериш;

асара келтирилган мақолларнинг мавзу кўламини белгилаш, шунингдек, улар қадимги халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини акс эттиришдаги муҳим манбалар эканлигини тадқиқ этишдан иборат.

²¹Мақсудова М. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асаридаги мақоллар. // Шарқ машъали. № 1. – Тошкент, 2014; ўша муаллиф. Боғловчисиз кўшма гап шаклидаги қадимги туркий мақоллар. // Шарқ машъали. № 1. – Тошкент, 2016; Мирзакаримова Ў. «Девону луғотит турк» даги айрим мақолларнинг тил хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. – Тошкент, 1980. – Б. 31-35; Jo'rayeva B., Astanova G. «Devonu lug'oti-t-turk»dagi maqollarning qiyosiy tahlili. // «Девону луғоти-т-турк» туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги» мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2018. 175-178 б.; Эшонқулов Ж. Маҳмуд Кошғарий ва фольклор. // «Девону луғоти-т-турк» туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги» мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2018. 71-75 б.; Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. (Eng qadimdan islomgacha bo'lgan davr). Toshkent. Yangi asr avlodi. 2005. 325-326, 348-350 б.; Қаюмов А. Асарлар. 10-жилд. – Тошкент. Mumtoz soz'. 2010. 40-48 б.

Тадқиқотнинг объектини 2017 йилда филология фанлари доктори, профессор Қ.П. Содиков томонидан нашр этилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги мақоллар ташкил этади²².

Тадқиқотнинг предметини Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»идан ўрин олган қадимги туркий мақолларнинг стилистик ва семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва замонавийлик, семантик, стилистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк»ида келтирилган қадимги туркий мақоллар семантик-стилистик жиҳатдан ўзига хослиги ҳамда асарда келтирилган мақолларнинг жанр типологияси, тарихий тақомилидаги аҳамияти далилланган;

асарда келтирилган мақолларнинг қадимги халқ оғзаки ижоди ва поэтик тафаккур тарихидаги ўрни далилланган ҳамда қадимги мақоллар услуби туркий бадиий услубининг тарихий тақомилидаги алоҳида ўрни борлиги исботланган;

мақоллардаги вариантлик масаласи, унинг матн услубига таъсири, қадимги мақолларнинг ҳозирги ўзбек халқ мақоллари билан муносабати масаласи ҳамда мақолларнинг синтактик қурилиши ва унинг матн услуби билан мутаносиблиги, ўзаро боғлиқлиги асосланган;

қадимги туркий мақолларнинг лингво-поэтик хусусиятлари, уларда ишлатилган бадиий санъатларнинг мақоллар услубига таъсири далилланган;

асарда келтирилган мақолларнинг мавзу кўлами белгиланиб, уларнинг қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини акс эттиришдаги муҳим манбалар эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган 298 та мақол 16 та семантик гуруҳга ажратиб чиқилди.

«Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган мақолларнинг сони, уларнинг нечтаси такрор, қисқарган ҳолда келгани аниқланган ва улар маъно гуруҳларига ажратиб чиқилган, мақолларнинг синтактик жиҳатдан ўзига хос бўлган услубга эга эканлиги исботланган;

қадимги туркий мақолларнинг тузилиши ва маъноси ўзаро мутаносиб эканлиги аниқланган ва уларда қўлланган бадиий тасвир воситаларининг мақол мазмунига мос ҳолда ишлатилганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумот ва мисолларнинг илмий нашрлардан олинганлиги, республика, халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий

²²Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиков. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»ида келтирилган мақоллар мавзу кўламининг кенглиги, маъно-мазмуни, уларнинг синтактик қурилиши, маълум услубий қолипга эгаллиги туркий мақолларнинг хилма-хиллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида тадқиқот натижасида олинган «Девону луғати-т-турк»да келтирилган қадимги туркий мақолларнинг мавзу кўлами асосида фольклоршуносликда мақолларнинг мавзу доирасини аниқлашда; тилшуносликда эса қадимги туркий матнларнинг стилистик қурилиши, унда маъно ва мазмуннинг мутаносиблиги, матн яратишда тежамкорлик принципининг амал қилиши бўйича хулосалардан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган қадимги туркий мақоллар семантикаси ва стилистикаси таҳлилидан олинган натижалар асосида:

қадимги туркий мақолларнинг тил билан боғлиқ жиҳатларидан олинган натижалардан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган давлат тили масаласидаги «Телерадио бошловчилик маҳорати мезонлари, бу борада юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзуидаги семинар-тренинг тавсияларида фойдаланилган (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 15/459- сон маълумотномаси). Жумладан, диссертациядаги қадимги туркий мақолларнинг бугун ҳам фаол қўлланиши журналистлар нутқининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган;

қадимги туркий мақолларнинг тузилиши ва уларда қўлланган бадий санъатлардан олинган илмий натижалардан ПҚ-3271 ҳамда ВМ-891 қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида янгидан ташкил этилаётган «Қадимги ёзма ёдгорликлар» ҳамда «Халқ оғзаки ижодиёти» номли экспозиция тақдимотида фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2020 йил 12 февралдаги 3/1255-443-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижанинг қўлланиши «Девону луғати-т-турк»ни ўрганишда, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган мақолларни тадқиқ этишда, ушбу меросни оммалаштириш ҳамда Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи электрон каталогини тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

қадимги туркий мақолларнинг халқ бадий тафаккурида тутган ўрнидан олинган натижалар «Муносабат», «Тилга эътибор – элга эътибор», «Ассалом, Ўзбекистон!» туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎЗМТРК «O‘zbekiston teleradiokanali» ДУКнинг 2019 йил 28 августдаги 01-02-1763-сон маълумотномаси). Жумладан, диссертациядаги қадимги туркий мақолларнинг ўзбек халқи турмуш тарзидаги ўрни, унинг халқ тафаккури билан боғлиқ жиҳатлари кўрсатувларда илгари сурилган қарашларнинг илмийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қадимги туркий мақоллар семантикаси**» деб номланган биринчи бобида қадимги туркий халқлар оғзаки ижодида мақол ва унинг поэтик тафаккур тарихидаги ўрни, «Девону луғати-т-турк»даги мақолларнинг тематикаси ва семантикаси, қадимги туркий мақолларнинг ҳозирги эквивалентлари тўғрисида гап боради.

Халқ оғзаки ижодининг қадимги ва теран маъно-мазмунга эга бўлган жанрларидан бири бу – мақолдир. Илмий адабиётларда мақолга турлича таъриф берилган. Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган таъриф шундай: «Мақол [а. *مقال* – мақол, кичик асар; сўз, нутқ] Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап»²³. «Мақоллар халқ оғзаки ижодининг қадимий оммавий жанрларидан биридир. Уларда халқимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган... Мақол – мантиқий мушоҳада намунаси, одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзида жамулжам этган доно гап... У кишиларни огоҳлантиради (*Бировга кулма зинҳор, сенга ҳам кулгувчилар бор*), маслаҳат беради (*Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан, гап билмасанг, гап сўрагин билгандан*), танбеҳ бериб, танқид қилади (*Чолни кўриб бувам дема*), меҳнатни улуғлайди (*Ишлаганнинг оғзи ошга тегар, ишламаганнинг боши тошга тегар*), ҳажвий кулги остига олиб, фош этади (*Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар*) ва бошқалар... Мақолларда чуқур мазмун, меҳнаткаш омманинг донолиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги фикри, баҳоси, меҳнат якунлари

²³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жилд. Е-М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 569.

мужассамлашган. Шунинг учун ҳам мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақолларда ҳар бир тарихий давр, ижтимоий сиёсий воқеалар маълум даражада ўз изини қолдиради»²⁴.

Мақол ҳажми ихчам, кичик бўлиб, пухта ишланган, кенг маънони ифодаловчи образли нутқ намунаси ҳисобланади. Мақолда ҳар бир сўз аниқ, ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оҳанг, композицияга эга.

Профессор Қ.Содиқов қадимги туркий мақолларнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтади: «Қадимги туркий мақолларнинг яратилган даври аниқ эмас. Машҳур алломаларимиз уларни минг йил бурун қоғозга туширган бўлса-да, ушбу мақоллар асрлар қаърига илдиз отган. Уларнинг баъзиларида яратилган даврининг изларини ҳам сезамиз. Жумладан, «Савобли ишлар қилувчи киши бурхон билан баробар, Диёнатсиз киши мис танга билан баробар» мақоли буддизм муҳотида яратилгани тайин. Мақолда келган *бурхон* – буддизм динида буддадир. Ушбу мақолда «ҳайрли ишлар қилувчи инсон будда билан баробардир, диёнатсиз кишининг эса қадри йўқдир», деган маъно мужассамлашган. Ёки «Фазилатли киши жавоҳирга тенгдир, фазилатсиз киши этик ичидаги патакка тенгдир» мақоли ҳам айни муҳитнинг ҳосили. Бунинг сабаби, буддизмда учлик: будда, унинг таълимоти ва жамоа муқаддас саналган»²⁵.

Кўринадики, мақолларда келган айрим сўз ва атамалар қадим туркларнинг ишонч-эътиқодларида қўлланилган. Шуларга таяниб, уларнинг яратилган даврини ўша муҳитга боғласа бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, мақолларда бундай сўзлар ҳар доим ҳам қўлланавермайди.

Мақолларнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги уларнинг миллий ўзига хослигини, айни пайтда, умумбашарий характерини белгилаб беради. Бу икки жиҳат қадимги турк халқ мақолларининг тематикасида, воқеликни акс эттириш тарзида, бадий-тасвирий воситаларида ва ниҳоят, тилда ўз ифодасини топган.

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Халқ донишманлигининг ушбу жанри ўзбек тилида «мақол», тожикларда «зарбулмасал», русларда «пословица», арабларда (жонли сўзлашувда) «нақл», туркларда «атасўзи» атамаси билан юритилади. *Мақол* атамаси арабча «қавлун» – «гапирмоқ», «айтмоқ» сўзидан олинган.

Мақолларда сўзнинг қадри, бадий-эстетик қиммати ўта муҳим саналади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак ҳисобланади. Ҳатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, арабларда *қавлун* – «гап, сўз» маъносини ифодаласа, тожикларнинг *зарбулмасал* атамасида «мисол келтириш», руслар *пословица* сида «сўзлар билан фикрни ифодалаш», турклардаги *отасўзи* да эса «аждодлар фикрини эслаш» маъноси етакчи.

²⁴Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 108.

²⁵Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилининг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент. 2006. – Б. 78.

Қадимги туркий мақолларининг илк ёзма шакллари Турфон харобаларидан топилган ёдгорликларда учратиш мумкин. Ҳозирда мазкур манбалар Берлиндаги Бранденбург музейи фондида сақланмоқда. Т.П.Ү.19 рақамли қўлёзмада жами ўн тўрт мақол берилган²⁶. Уларнинг баъзиларида буддизмга оид сўз-тушунчалар қўлланган бўлиб, уларнинг яратилган даврини турк-будда муҳитига тақаш мумкин.

Йирик ҳажмда кунимизгача ёзма шаклда етиб келган мақоллар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида учрайди. Адибнинг ушбу асари адабий қиммати юксак бўлган дурдона манбалардан биридир. Шеърий парчалар орасида бадиий жиҳатдан юксак қимматга эга бўлганлари ҳам учрайдики, олим яшаган даврда шеърият анча равнақ топганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам XI юзйилликда мавжуд бўлган тил вазияти ва жонли тил намуналарини ўрганишда асарнинг қиймати юқори ҳисобланади. Олим ўз китобининг кириш қисмида: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим», деб ёзган²⁷.

«Девону луғати-т-турк» – ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқотдир.

Муаллиф буюк тилшунос вазифасини бажариш билан чекланмай, адабиётшунос ва фольклоршунос сифатида масалага ёндашиб, ҳар бир сўз қўлланган ашёвий мисолларни замониғача ва ўзига яратилган адабий манбалардан келтиради. Мутахассис нигоҳи билан қаралса, Маҳмуд Кошғарий бадиий асар намуналарини шунчаки келтириб ўтмайди, уларни жанр жиҳатидан келиб чиқиб тасниф ҳам қилган. Таснифдаги ҳар бир асарга жанр тавсифини берган, уларни қўлланган асарлар, бу асар мансуб қабилалар ва айрим ўринларда уларнинг муаллифларини ҳам тилга олган.

«Қадимги халқ мақоллари, халқ дostonлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган»²⁸.

Қадимги доноларнинг ўғитлари оталар сўзидир. Маҳмуд Кошғарий қадимги адабий жанрлар ҳақида маълумот берар экан, *saw* ўзагига *-laşdi* қўшимчасини қўшиш орқали туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд бўлган яна бир жанр тўғрисида маълумот беради. «*Sawlaşdi* – масал айтишди. *Ol meniñ birlä sawlaşdi* – у мен билан масал айтишди, у менга масал айтди. Шунингдек, хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сўз қўлланилади» (ДЛТ, 375). Демак, *saw* – кейинги давр адабиётида мақол (арабча) номи билан ифодаланган жанр мазмунини ҳам қамраб олади.

«Мақол»ни қадимги турклар *saw, ögüt, qumaru söz* деган²⁹. Юсуф Хос Ҳожиб мақолларга нисбатан *öt-saw, öt-saw-irig, ögüt, qumaru söz, awičğa sözi* атамалари билан бир қаторда арабчадан ўзлашган *maşal* атамасини ҳам қўллаган³⁰.

²⁶ Arat R.R. Eski türk şiiri. – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi, 1991. – S. 272-275.

²⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Гулом, 2017. – Б. 15.

²⁸ Ўша китоб. – Б. 4.

²⁹ Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б. 11.

³⁰ Ўша жойда.

Махмуд Кошғарий девонидан кейин адабиётимиз тарихида, айниқса, бадий адабиётларда кўплаб мақоллардан фойдаланилган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг», Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-хақойиқ» асарларида, ўрни билан мақоллар сингдирилган байтларни учратамиз³¹. Бу ҳол ўрта аср ижодкорлари асарлари ҳам кўп учрайди. Ҳаттоки, мумтоз адабиётимизда матнга мақол киритиш – «ирсолу масал» санъати ҳам бўлиб³², кўплаб ижодкорлар ўз асарларида ушбу санъатдан фойдаланган.

Ҳозирги кунга қадар ўзбек тилидаги мақоллар бўйича қилинган тадқиқотларда улар маъно-мазмунига кўра турлича таснифланган³³.

Биз «Девону луғати-т-турк»даги мақолларни гуруҳлаштириб чиқдик. Асарда жами бўлиб 298 та мақол берилгани аниқланди³⁴. Улар орасида девонда такрор келгани 42 та, бироз ўзгарган, қисқарган шаклдагилари 14 та. Гуруҳларга бўлишда бир-бирига зид маъноли мақоллар ўзаро бирлаштирилди.

Уларни қуйидаги 16 мавзу гуруҳларига ажратиш мумкин: 1. Бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳақидаги мақоллар; 2. Билимлилик ва билимсизлик ҳақидаги мақоллар; 3. Дангасалик ва меҳнатсеварлик ҳақидаги мақоллар; 4. Вақт ва ҳаёт тарзи билан боғлиқ мақоллар; 5. Манманлик ҳақидаги мақоллар; 6. Хоинлик ҳақидаги мақоллар; 7. Кишининг ор-номуси ҳақидаги мақоллар; 8. Эркинлик, озодлик ҳақидаги мақоллар; 9. Ризқ-насиба ҳақидаги мақоллар; 10. Ҳалоллик ҳақидаги мақоллар; 11. Киши тақдири ҳақидаги мақоллар; 12. Тўғри сўзлик ҳақидаги мақоллар; 13. Кишининг феъл-атвори ҳақидаги мақоллар; 14. Эзгулик билан боғлиқ мақоллар; 15. Қариндош-уруғчилик ҳақидаги мақоллар; 16. Тенглик ҳақидаги мақоллар.

Мақолларни мавзу гуруҳларига бўлишда уларнинг маъноси, мазмун-моҳияти ҳисобга олинди. Улар ичида муайян гуруҳга кирувчи, лекин мазмун жиҳатидан кенгроқ кўламга эгалари ҳам бор. Шунинг учун уларни умумий маъносига кўра гуруҳларга киритишни маъқул кўрдик.

«Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган мақоллардан катта бир қисмининг бугунги кунда ишлатиладиган эквивалентлари, яъни муқобил вариантлари бор. Масалан, *Alp yağida, alçaq çoğida*. – «Ботир ёв билан тўкнашганда (олишганда), ювош тиришишда синалади» мақолини олсак, у ҳозирги ўзбек тилида «Ботир ёвда билинар, Сўзчи – довда» шаклида ишлатилади (ЎХМ,107).

Эквивалентлик (ёки муқобиллик) тил ҳодисаларидан бўлиб, унинг ёрдамида қадимги тушунчалар, маълум маъно-мазмунни ифодаладиган матн янгича шаклга кириб, келгуси авлодга етиб боради. Бу табиатдаги бирор воқеа-ҳодисанинг янгича шакл ва кўринишда келгуси авлодга, уларнинг турмуш-шароитига кириб келишига ўхшайди.

Қадимда мақолларда ишлатилган сўзлар, матн тузилиши бироз ўзгарган ҳолда трансформацияга учраши мумкин. Қуйида «Девону луғати-т-турк»да

³¹Қаранг: Содиков Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Б. 11–12.

³²Бу ҳақда қаранг: Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент. Zarqalam. 2006. 20-22 б.

³³Бу ҳақида қаранг: Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 95-99.

³⁴Қуйидаги манба асосида ҳисоблаб чиқилган: Махмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиков. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017.

келтирилган мақолларнинг бугунги кунда бир оз ўзгаришлар билан етиб келган шакллари кўриб чиқамиз³⁵.

Keñ ton opramas, keñäşlig bilig artamas. – «Кенг тўн тўзимаиди, кенгашлик иш бузилмайди». Бу мақол ишларни бажаришда бошқалар билан кенгашиш, ўзбошимчалик қилмасликка ундаб айтилади (ДЛТ,444). Мазкур мақолда икки ҳодиса бир-бирига солиштирилмоқда. Маъно ҳам шундан келиб чиқади. Ушбу мақолнинг ҳозирги кундаги кўриниши бир составли гап шаклида қўлланади: *Кенгашли тўй тарқамас*. Мақолнинг иккинчи «Кенг тўн тўзимаиди» қисми бугунга келиб, назаримизда ўз аҳамиятини йўқотган. Шунинг учун у ҳозир тушиб қолган. Шу билан бирга, «кенгашли иш» ўрнига, «кенгашли тўй» ибораси қўлланмоқда. «Иш»нинг «тўй»га ўзгаргани ҳам бежизга эмас, инсон ҳаёти давомида «тўй» муҳим ўрин эгаллагани боис, уни чиройли, гўзал қилиб ўтказиш уни кенгашган ҳолда, маслаҳат билан амалга ошириш назарда тутилади.

Тағ тағқа қавушмас, киши кишиқа қавушур. – «Тоғ тоғ билан учрашмас, чунки улар ўз жойларида турғундирлар. Кишилар орадан анча вақт ўтиб кетса ҳам, бир-бирлари билан учрашадилар». Кошғарийнинг таъкидлашича, бу мақол узоқ вақтдан сўнг ўртоғини учратган кишига қарата айтилади (ДЛТ,238). Бу машҳур мақолнинг бошқа тилларда ҳам эквиваленти бор. Русчаси қуйидагича: *Если гора не идет к Магомету, то Магомет пойдёт к горе*. Мазмунан ўхшаш мақол ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор. Жумладан: *Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади*.

Диссертациянинг «**Девону луғати-т-турк**»да келтирилган мақоллар **стилистикаси**» деб номланган иккинчи бобида қадимги туркий мақолларнинг услуби, уларда вариантлик ҳодисаси ҳамда унинг матн услубига таъсири масаласи, асарда келтирилган мақолларнинг тузилиши тўғрисида сўз юритилади.

Профессор Қ.Содиқов мақоллар услуби тўғрисида қуйидаги фикрни айтади: «Халқ мақолларида бадий услуб ихчам бир кўринишда мужассамлашган»³⁶. Муаллифнинг бошқа бир қадимги услубларга бағишланган асарида ёзма услуб тўғрисида қуйидаги фикрлар баён этилган: «Ёзма адабий тил, матн тузиш анъанаси эндигина юзага келаётган бир чоғда халқ оғзаки ижоди ва унинг услуби аллақачон шаклланиб, юксалиш босқичига ўтган эди. Бадий услуб ўзининг оғзаки босқичидаёқ пишиб этилган. Ёзма бадий услуб ўз қолипни, бичимини оғзаки адабиётдан олди. Оғзаки кўринишда асрлар оша такомиллашиб келган бадий услуб ёзма адабиётга кўчиб ўз йўлини янги бир шаклда давом эттирди»³⁷. Ушбу таъриф халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш қадимги туркий мақолларга ҳам тегишли. Улар оғзаки шаклда пайдо бўлиб, даврлар оша такомиллашиб, услуб жиҳатдан сайқаллашиб, сўнг Маҳмуд Кошғарий йиғиб, келтирган шаклга ўтган.

Мақолларнинг бадий шакли уларнинг ғоявий мазмунини очишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мақоллар мустақил жанр сифатида эстетиканинг шакли ва мазмун бирлиги қонунини намойиш этишда жуда ҳам қулайдир. Баёнда бадий тасвирий воситаларда қисқаликка интилиш мақолларга катта эстетик қудрат

³⁵ Бу тўғрида қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Н.М.Маллаев. – Тошкент. Ўқитувчи. 1965. - Б. 70.

³⁶ Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиги ва тикланиши. – Б. 78.

³⁷ Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Б. 12-13.

бағишлайди. Мана шу жихатдан қараганда, мақолларнинг тузилиши ҳам ўзига хосдир.

Айрим мақоллар ёйиқ содда гаплар шаклида бўлса, айримлари кўшма гап шаклида, аммо чуқур мазмун ифодаловчи ихчам ҳажмда бўлади.

«Девону луғати-т-турк» да келган машҳур мақоллардан бири аслида шу конструкция асосида яратилган: *Erdäm başi til.* – «Одобнинг боши тил» (ДЛТ,136).

Уни: *Til – erdäm başi*, яъни: *Тил – одобнинг боши* тарзида ҳам тасаввур қилиш қийин эмас. Бунда мақол тузилиш жихатидан ўзгаради, яъни инерция ҳодисасидан содда гап шаклига айланиб қолади. Бундай қурилиш мақолнинг таъсирчанлигини сусайтиради. Фикр таъсирчанлигини ошириш учун мақолларда синтактик жихатдан гап қурилиши анъанавий ҳолда бўлиши кўпда ўзини оқламайди.

Бундай конструкциядаги мақоллар воситасида фикрга эмоционал бўёқ бериш жуда кучли самара беради. Зеро, сўзнинг эмоционал бўёқдорлиги, кўчма маъно орқали фикр ифодалаш, фикрий хулоса сифатида халқ мақолларининг қўлланиши кабиларнинг барчаси насрий нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини кучайтирувчи воситалар эканлигини кўрсатади. Бунга шуни кўшимча қилиш зарурки, мақолларнинг қўлланилиши фақат насрий нутқнинг эмас, балки шеърий нутқнинг ҳам эмоционал таъсирчанлигини кучайтирувчи воситадир.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган халқ мақолларида ҳам вариантлик ҳолатлари учраб туради.

Кошғарий *sağurdi*, яъни «тупурди» сўзининг маъносини изоҳлар экан, бу сўз барсғанлар шеvasида эканлигини таъкидлайди. Бошқалар эса айни маънода *südti* сўзини ишлатганлар. Бунга мисол қилиб луғат тузувчиси: *Kökkä sağursa, yüzkä tüšür* мақолини келтиради. Маъноси: «Кўкка тупурса, юзга тушур». Муаллифнинг айтишича, бу мақол ўзидан катта билан жанжаллашмоқчи бўлаётган кишига оғирлик ўзига тушишига ундаб айтилган (ДЛТ,231).

Бошқа бир ўринда *kök* сўзининг маъносини изоҳлар экан, юқоридаги мақолнинг бошқа бир вариантыни келтирган. Энди бу ерда ўша мақол *sağur-* феъли билан эмас, ўзи таъкидлагандай, бошқа турклар ишлатадиган *südt-* феъли билан келган: *Kökkä südsä, yüzkä tüšür*. Маъноси юқоридагидай: «Кўкка тупурган кишининг тупуги қайтиб юзига тушади». Муаллифнинг таъкидлашича, бу мақол бировга ёмонлик қилган кишининг ўзига ёмонлик қайтишига ишорат қилиб айтилади (ДЛТ,368).

Маҳмуд Кошғарий *adïy*, яъни «айиқ» сўзини изоҳлаш учун шундай мақолни келтирган: *Awčï nečä al bilsä, adïy anča yol bilir* (ДЛТ,39). Ушбу мақолдаги *al* сўзи «ҳийла, найранг» маъносидадир. Шундан келиб чиқиб, мақол маъносини «Овчи ов ҳийлаларини қанчалик билса, айиқ ҳам қочиб йўллари шунчалик билди» деб изоҳлаган. Олимнинг таъкидлашича, «бу мақол икки тажрибали киши ўзаро тортишиб қолганда айтилади».

«Девону луғати-т-турк»да ушбу мақол *tew* сўзининг изоҳида ҳам келтирилган. Қадимги туркий тилда *tew* сўзи ҳам *al* га синоним бўлиб, «ҳийла, найранг» маъносини англатган. Қизиғи шундаки, юқоридаги мақолнинг бошқа бир варианты келтирилганда, *tew* сўзининг ўрнида *al* ёзиб юборилган: *Awčï nečä al [tew дейилмоқчи] bilsä, adïy anča yol bilir* (ДЛТ,136). Бу мақолнинг маъноси юқорида келтирилган вариантидаги сингаридир.

Муҳими, айрим халқ мақоллари турли шаклларда ишлатилганини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтган. Мана бир мисол: асарда *kör*, яъни «кўп» сўзининг маъносини очиқлаш учун шундай мақолни келтирган: *Kör sügütkä quş qonar, körklüg kişikä söz kelir*. Маъноси: «Сершоҳ дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз [мақтов] келади». Кошғарийнинг таъкидлашича, бу мақолнинг бошқача бир шакли ҳам бўлган: *Yığaç uçıña yel tegir, körklüg kişikä söz kelir*. Бунинг маъноси шундай: «Дарахт учига шамол тегади, юмшоқ одамга сўз етади». Шунинг учун у ўзини сақлаши керак дейилади (ДЛТ,132).

Тадқиқотчиларнинг фикрича, халқ мақоллари тузилишига кўра икки хил бўлади: насрий ва шеърий³⁸. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридан ўрин олган мақоллар гап қурилишига кўра содда гап (ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган маълум фикр ифодалай оладиган, грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик) ва қўшма гап (тузилишига кўра содда гапга ўхшаган икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап; гапнинг структур жиҳатидан алоҳида бир тури) шаклидаги мақолларга ажралади.

Содда гап типидagi мақолларнинг аксариятини шахси умумлашган гаплар ташкил қилади. Бу тип гаплардан насиҳат, ҳикмат мазмуни англашилиб туриши ҳам уларнинг ўзига хослигидир. Бунда умумга қаратилган ҳаётий хулосалар, узоқ асрлик ҳаётий тажрибалар, умумий қоидалар, меҳнат яқунлари, умумлашган мулоҳазалар ифода қилинади³⁹. «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик:

Bor bolmadip sirkä bolma. – «Шароб бўлмай туриб сирка бўлма» (ДЛТ,364).

Bolma- инкор феъли гапнинг кесимидир. Гапнинг эгаси эса яширинган *sen* олмоши бўлишига қарамай, гапнинг мазмунидан умумга мурожаат англашилиб турибди. Бундай гапларнинг кесими одатда II шахс бирликда буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланса-да, мазмунан барчага қаратилган бўлади, шунинг учун эга ифодаланмайди.

Ушбу тип гапларнинг насиҳатомуз, афористик характери асосий семантик белги саналади. «Девону луғати-т-турк»даги мақолларнинг аксариятини ана шу типдаги мақоллар ташкил этади:

Suw icürmäskä süt ber. – «Сув ичирмасга сут бер». Яъни сенга ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қил (ДЛТ,98).

Юқорида таъкидланганидек, қадимги туркий мақолларнинг бир қисми умумга мурожаат тарзида шаклланганлигини кўриш мумкин. Лекин «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган мақолларнинг ҳаммасини ҳам умумга мурожаат деб бўлмайди. Мақолларнинг таркибидаги феъл ҳеч қачон кўплик шаклида бўлмайди. Шахси умумлашган гап тарзида шаклланган мақолларнинг аксариятида эга *sen* олмоши ҳисобланади.

Стилистик жиҳатдан олиб қараганда бу гапларда грамматик эга сифатида *sen* олмошини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай қилинганда ҳам тежамкорлик

³⁸Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 4.

³⁹Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 145.

тамоийили бузилади, мақолларга хос бўлган ихчамлик хусусияти, шунингдек, умумга қаратилганлик белгиси йўқолади. Бу эса, гарчи грамматик меъёрнинг бузилгани деб қаралмаса-да, стилистик меъёрнинг бузилишидир.

Шуларга таяниб айта оламизки, гапларнинг шахси умумлашган мақомини олиши ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас, балки тил элементлари ифода кучининг тараққиёти, тафаккур тараққиёти маҳсули сифатида юзага келади. Бу ўзгаришлар стилистик жараёнларсиз юзага келмайди. Фикрни ихчам, лўнда ифодалаш эҳтиёжи туфайли гап таркибидаги айрим элементларнинг эллипсисга юз тутиши, муайян бирликнинг вазифаси бошқа бирликка кўчиши сингари жараёнлар юз беради.

Содда гап тузилишига эга бўлган мақоллар орасида икки сўздан таркиб топган мақоллар ҳам учрайди. Масалан: *Kizlänčü kelindä.* – «Яширин нарса келинда бўлади, чунки у яхши нарсани эри учун яшириб қўяди» (ДЛТ,407). Мақол икки сўздан таркиб топган. Биринчиси – эга, иккинчиси тўлдирувчи бўлиб, кесим яширинган.

«Девону луғати-т-турк»да берилган мақолларнинг кўпи турли шаклларда кунимизгача етиб келган. Мақолларнинг тематик гуруҳлари хилма-хил бўлиб, улар ҳикматли сўзлар негизида шаклланган. Уларнинг орасида зидлов маъносига эга бўлганлари ҳам бор.

Бунга мисол: *Tünlä yurup kündüz sewnür, Kičigdä ewlänip, ulğadu sewnür.* Маъноси: Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшлиқда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради (ДЛТ,353).

Мазкур мақол икки мустақил кўшма гапдан ташкил топган. Биринчиси иккинчисининг маъносини тўлдириб келмоқда. Структур жиҳатидан уларнинг қурилиши бир хил. Бу ўринда синтактик параллелизмни кўриш мумкин. Мақолда икки ҳодиса ўзаро таққосланмоқда: биринчиси *тун* билан *кун*; иккинчиси эса *ёшлиқ* ва *улуғлик*.

Инсон бирор сафарга отланар экан, айниқса у саҳродан кетаётган бўлса, тунда йўл босгани яхши. Чунки кундуз жазирамада юриш жуда қийин кечади. Шунинг учун тун бўлса-да, йўл босиш ижобий ҳисобланади. Энди мақолнинг иккинчи жумласида ёшлиғида уйланган киши кексайганда суюниши уқтирилмоқда. Кошғарийнинг таъкидлашича, ёш уйланган кишининг ўғиллари ёнига киради, отасига қувват бўлади, кеч уйланган киши эса кўпроқ қийналади. Мақолдаги ўзаро зидликни *тун-кун* ва *ёшлиқ-қариллик* сўзлари таъминламоқда.

Ўзаро зид маъноли сўзлар иштирок этган мақоллар орасида инсоннинг оч-тўқлиги билан боғлиқ мақоллар ҳам бор: *A:č ne yemäs, toq ne temäs.* – «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (ДЛТ,44). Мақолдаги *a:č* ва *toq* сўзлари ўзаро антонимлардир. Мақолдаги *yemäs* ва *temäs* сўзлари кесимлардир. Мақол мазмунидан англашиладики, инсон боласи оч қолса, кўзига кўринган нарсани ейди, яхши-ёмонини фарқламайди. Шунга ўхшаш қорни тўқ киши оғзига келганини гапирди, дейилмоқда.

Bar – baqir, yoq – altun. – «Бор – мис (қадрсиз), йўқ – олтин (қадрли)». Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли. Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлигида қадрли билиниши

маъносида қўлланади (ДЛТ,145). Ушбу мақолда *bar* ва *yoq* сўзлари аниқланмиш ўрнида қўлланилмоқда. Мақолда мис ва олтин ўзаро солиштирилган бўлиб, мавжуд нарса мисга, қадри пастроқ нарсага ўхшатилса, олтин эса йўқ нарсага, яъни мисга нисбатан қиммат металлга ўхшатишмоқда. *Bar* ва *yoq* сўзларининг мақолдаги ўрни унда келтирилган нарсаларнинг солиштирилишида намоён бўлмоқда. Демак, ушбу мақолда мазкур сўзларнинг вазифаси юқоридагилардан фарқ қилади.

Юқоридаги мақоллардан *bar* ва *yoq* сўзларининг маъно-мазмунига кўра бирор воқеа-хусусиятларнинг мавжудлиги ва йўқлиги тушунилиши билан бирга, солиштирилаётган икки нарсанинг бир-биридан қанчалик фарқ қилиши, бу фарқ қатталини англатмоқда.

Диссертациянинг «Қадимги туркий мақоллар лингво-поэтикаси» деб номланган учинчи бобида қадимги туркий мақолларнинг синтактик қурилиши ва унинг матн услуби билан мутаносиблиги, мақолларда қўлланган бадиий тасвир воситалари таҳлилга тортилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридан ўрин олган мақоллар гап қурилишига кўра содда гап (ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган маълум фикр ифодадай оладиган, грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик) ва қўшма гап (тузилишига кўра содда гапга ўхшаган икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап; гапнинг структурал жиҳатидан алоҳида бир тури) шаклидаги мақолларга ажралади.

Бу тип гаплардан мазмунан насиҳат, ҳикматлилик белгилари англашилиб туриши ҳам уларнинг семантик ўзига хослигидир. «Бунда умумга қаратилган ҳаётий хулосалар, узоқ асрлик ҳаётий тажрибалар, умумий қоидалар, меҳнат яқунлари, умумлашган мулоҳазалар ифода қилинади⁴⁰.

Мана шу таҳлилга асосланиб айта оламизки, гапларнинг шахси умумлашган мақомини олиши ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас, балки тил элементларини ифода кучининг тараққиёти, тафаккур тараққиёти маҳсули сифатида юзага келади. Ўз-ўзидан маълум бўладиган, бу ўзгаришлар стилистик жараёнларсиз амалга ошмайди. Яъни фикрни ихчам, лўнда ифода қилиш эҳтиёжи, бу эҳтиёж туфайли гап таркибидаги айрим элементларнинг эллипсисга юз тутиши, бу ҳодисага дучор бўлган бир тил бирлигининг бажариши лозим бўлган вазифани, англантиши лозим бўлган маънони гапдаги иккинчи бир бирликнинг ўз зиммасига олиши ана шу стилистик жараёнлардир.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридан ўрин олган содда гап конструкцияли қадимги туркий мақолларнинг кесими от-кесим ва феъл-кесим шаклида ифодаланган. От-кесим шаклида ифодаланаётган содда гапларнинг ёрдамчи феъли тушиб қолиши кўп кузатилади: *Ođlan biligsiz*. Маъноси: «Болада ақл йўқ» (ДЛТ,155).

Мантиқан ўйлаб қаралса, гапнинг охири *turur* ёрдамчи феълени талаб қиляпти. Мақолнинг тўлиқ акс этирилган шаклини тиклашга ҳаракат қиламиз: *Ođlan biligsiz turur*. – «Болада ақл йўқдир».

⁴⁰Ўша асар. – Б. 145.

Биринчи мисолда *turur* феъли бўлмаса-да, айтилоқчи бўлган фикр бемалол англашиляпти. Мақол равон ўқияпти.

Иккинчи гапда эса мақолдаги стилистик хусусият бузилмаган бўлса-да, лекин бу мақолнинг ихчамлигига таъсир қилган.

«Девону луғати-т-турк» асаридан ўрин олган мақолларнинг катта бир қисми кўшма гап шаклидадир. Кўшма гаплар мақолларни мантиқан изчил, грамматик жиҳатдан таъсирли ифодалаш учун хизмат қилади. Муҳими шундаки, бундай гаплар, кўпинча, боғловчисиз ишлатилади. Шунга қарамай, уларда фикр равонлиги, мантиқиз изчиллик тўла таъминланади. Шунинг учун ҳам умумлаштирилган фикрни ифодалаб, ибрат учун қўлланадиган мақол, хикматли сўзларнинг деярли ҳаммаси боғловчисиз кўшма гап типидадир.

Боғловчисиз кўшма гаплар мазмун муносабатига кўра пайт, қиёслаш, сабаб-натижа, изоҳлаш, тўсиқсизлик каби турларга бўлиб ўрганилади⁴¹. Ушбу ишни қиёслаш-таққослаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гап шаклидаги қадимги туркий мақоллар мисолида кўриб чиқамиз. Бу хил гаплар, одатда, икки содда гапдан тузилади. Ҳар икки қисмда ҳам гап бўлақларининг тўлиқ ҳолда қўлланилиши яққол кўзга ташланади. Чунки бундай гапларни ўзаро оҳанг боғлаб туради. Қуйидаги мақолда: *Ođlan iđi iđ bolmas, ođlaq mōñzi san bolmas* (ДЛТ,372).

Мақолнинг биринчи қисмидаги *ođlan iđi* – яъни «боланинг қиладиган иши, юмуши» боғловчисиз кўшма гапнинг иккинчи қисмидаги *ođlaq mōñzi* – «улоқнинг шохи»га қиёсланган. Мақолдан «боланинг иши иш бўлмайди, яъни «бажарадиган юмуши пухта бўлмаганидек», улоқнинг шохи ҳам соғга ярамайди», деган маъно келиб чиқади.

«Девону луғати-т-турк»да шундай мураккаб гап конструкциялари ҳам учрайдики, бундай конструкцияларни ташкил этган содда гаплар мазмунан бири-бирига боғлиқ бўлади, бири иккинчисини мазмунан тўлдиради ёки изоҳлайди. Шунинг учун ҳам бундай конструкцияларни ташкил этган гаплар ўзаро махсус оҳанг билан боғланади. Ҳар доим ҳам гаплар интонация орқали боғланавермайди. Бу хил гапларни бириктириш учун лексик-грамматик воситалар, яъни махсус боғловчилар ёки боғловчи воситасидаги (феъл шакллари, келишик ва б.)лар қўлланади⁴². Булар, ўз навбатида, боғловчисиз кўшма гап бўлақлари орасидаги муносабатни таъминлайди.

Баъзан қиёслаш муносабатини ифодалаш учун лексик воситалардан ҳам кенг фойдаланилади. Бунда қиёсланаётган гап бўлақлари антоним сўзлар орқали ифодаланади. Қуйидаги мақолда шундай келади: *A:č ne yemäs, toq ne temäs*. Маъноси: «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (ДЛТ,44).

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гапларнинг структурасида ҳам кўринади. Бу хил гапларни ташкил этган гапларнинг структурасида, гап бўлақларининг шаклида параллеллик, ўхшашлик бўлади. Бундай хусусият, айниқса, мақол ва афоризм типидagi боғловчисиз кўшма гапларда ёрқин кўзга ташланади. Чоғиштириш, таққослаш маъносини ифодалайдиган боғловчисиз кўшма гапларда бирор кимса ёки нарса билан

⁴¹ Абдурахманов Г.А. Исследования по старотюркскому синтаксису (XI век). – М., 1967. – С. 162.

⁴² Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Кадимги туркий тил. – Тошкент, 1982. – Б. 56.

иккинчи кимса ёки нарса бир белги, ҳаракат орқали иккинчи ҳаракатга солиштирилади, қиёсланади.

Қуйидаги қўшма гап шаклидаги мақолда ҳар иккала қисм феъл-кесим билан ифодаланган бўлиб, предметнинг белгиси орқали иш-ҳаракатнинг қиёсини кўришимиз мумкин: *Telim sözüg uqsa bolmas, yalim qaya yiqsa bolmas* (ДЛТ,329).

Бу мақолдаги *telim sözüg* – «кўп сўзни» маъносида. Иккинчи қисмдаги қиёсланаётган предмет Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, *yalim qaya* – «пишиқ, қаттиқ тоғ» маъносида келган. Девонда ҳам *yalim qaya* сўзининг изоҳи сифатида юқоридаги мақол учрайди. Шундай экан, «[Жуда] кўп сўзни тушуниб бўлмас [илғаб бўлмас], қаттиқ тоғни (қояликни) синдириб бўлмас». Гапнинг кесими *uqsa bolmas* – «уқиб, тушуниб бўлмайди» тарзида келиб, кейинги қисмда эса, *yiqsa bolmas* – «йиқитиб бўлмайди», «синдириб бўлмайди» маъносида қўлланган. Қўшма гап таркибидаги ҳар иккала қисмнинг кесими инкор шаклида бўлиб, бунда зиддик мазмуни эмас, балки воқеа-ҳодисалар бир-бирига қиёсланган, ўхшатишган.

Бундан ташқари, қўшма гапнинг биринчи қисмидаги кесим бўлишли шаклда келса, кейинги кесим инкор шаклда бўлади: *El qaldı, törü qalmas*. – «Мамлакат ўзгаради, халқнинг удумлари ўзгармайди» (ДЛТ,216). Сўзма-сўз: «Мамлакат қолади, удум(лар) қолмайди».

Мақоллар синтактик жиҳатдан ихчам бўлганлиги сабабли уларда ажратилган бўлақлар, изоҳловчилар бўлмайди. Маҳмуд Кошғарий келтирган мақоллар синтактик жиҳатидан ҳам содда, ҳам қўшма гап шаклидадир. Гапнинг ифода мақсадига кўра эса мақоллар асосан дарак гап шаклидадир. Чунки мақолда бирор воқеа-ҳодисага фикр берилади, шундай экан тузилишига кўра дарак гап шаклида бўлиши табиийдир. Шулардан содда шаклдаги гапларнинг⁴³ қуйидаги кўринишлари мақолларда учрайди.

Шахси аниқ гаплар: бундай гапларнинг кесимидан унинг тингловчига қаратилганини англаш мумкин: *Suw içürmäskä süt ber*. – «Сув ичирмасга сут бер». Яъни, «Сенга ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қил» (ДЛТ,98). Мақол кесими тингловчи, яъни иккинчи шахсга қаратилган.

Шахси умумлашган гаплар: бу турга кирувчи гапларда фикр кўпчиликка қаратилади. Масалан, *Ortaq erdän artuq almas*. – «Ўртоқ ўртоғидан [тақсимда ҳиссасини] кўп олмайди». Бу мақол инсофга чақириш мақсадида қўлланади (ДЛТ,53). Мақол айни бир дўст тўғрисида эмас, балки дўстлик тўғрисидадир. Яна бир мақол: *Erdäm başi til*. – «Одобнинг боши тил» (ДЛТ,55). Одобнинг боши тилдир. Ҳар ким унга амал қилса, бахт топади, дейилмоқда. Бу ерда ҳам фикр ҳаммага қаратиб айтилган.

Шахссиз гаплар: бирор кимсага қаратилмаган, мақол мазмунидан кимга айтилаётгани англашилмайдиган гапларга айтилади. Мақолларда у қуйидагича келади: Масалан, *Uluq yağiri oğulqa qalir*. – «Отнинг курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади». Чунки пай томирлари у ерга тўплангани учун тез тузалмайди (ДЛТ,40). Бу ерда айтилаётган фикр бирон кимсага қаратилаётгани

⁴³Қадимги туркий тилда ишлатилган содда гаплар тўғрисида қаранг: O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. (fonetika, morfologiya va sintaksis). – Toshkent, 2008. – B. 359-381.

йўқ, хулоса бериляпти, холос. *Emgäk ekindä qalmas.* – «Меҳнат бўш кетмайди» (ДЛТ,57). Мақолда меҳнат қилган роҳат кўриши айтилган.

Yıraq yer sawın arqış keldürür. – «Узоқ шаҳар [ер] хабарини карвон келтирар» (ДЛТ,52). Ушбу мақолда ҳам мазмун бирор кимсага қаратилмаган, фақат хулоса берилмокда.

Куйидаги мақолга эътибор беринг: *Oğlan işi iş bolmas, oğlaq möñzi sap bolmas* (ДЛТ,372). Мақолнинг биринчи қисмидаги *oğlan işi*, яъни «боланинг қиладиган иши, юмуши» боғловчисиз кўшма гапнинг иккинчи қисмидаги *oğlaq möñzi* – «улоқнинг шохи»га қиёсланган. Мақолдан «боланинг иши иш бўлмайди, яъни бажарадиган юмуши пухта бўлмаганидек, улоқнинг шохи ҳам сопга ярамайди», деган маъно келиб чиқади.

«Девону луғати-т-турк»да шундай мураккаб гап конструкциялари ҳам учрайдики, бундай конструкцияларни ташкил этган содда гаплар мазмунан бири-бирига боғлиқ бўлади, бири иккинчисини мазмунан тўлдиради ёки изоҳлайди. Шунинг учун ҳам бундай конструкцияларни ташкил этган гаплар ўзаро махсус оҳанг билан боғланади. Ҳар доим ҳам гаплар интонация орқали боғланавермайди. Бу хил гапларни бириктириш учун лексик-грамматик воситалар, яъни махсус боғловчилар ёки боғловчи воситасидаги (фёъл формалари, келишик ва б.)лар қўлланади⁴⁴. Булар, ўз навбатида, боғловчисиз кўшма гап бўлаклари орасидаги муносабатни таъминлайди.

Баъзан қиёслаш муносабатини ифодалаш учун лексик воситалардан ҳам кенг фойдаланилади. Бунда қиёсланаётган гап бўлаклари антоним сўзлар орқали ифодаланади.

Куйидаги мақолда шундай келади: *A:ç ne yemäs, toq ne temäs.* – «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (ДЛТ,44).

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз кўшма гаплар структурасида, гап бўлақларининг шаклида параллеллик, ўхшашлик бўлади. Бундай хусусият, айниқса, мақол ва афоризм типидagi боғловчисиз кўшма гапларда ёрқин кўзга ташланади. Чоғиштириш, таққослаш маъносини ифодаладиган боғловчисиз кўшма гапларда бир кимса ёки предмет билан иккинчи кимса ёки предмет бир белги, ҳаракат орқали иккинчи ҳаракатга солиштирилади, қиёсланади.

Буни куйидаги мақол мисолида кўришимиз мумкин: *Çaxşaq üzä ot bolmas, çaqraq bilä uwut bolmas* (ДЛТ,186).

Бу ерда *çaxşaq* – Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, «тоғ чўққиларидаги тошлоқ жой», *çaqraq* – «кал», «сочи йўқ» кишини англатади. Демак, «Тошлоқ жойда ўт бўлмайди [унмайди], кал [каллигидан] уялмайди».

Бундан ташқари, боғловчисиз кўшма гаплардаги қиёслаш муносабати кўшма гапнинг таркибидаги гапларнинг кесимлари инкор шаклидаги фёъл билан ҳам ифодаланади.

Куйидаги мақолда ҳар иккала қисм фёъл-кесим билан ифодаланган бўлиб, предметнинг белгиси орқали иш-ҳаракатнинг қиёсини кўришимиз мумкин: *Telim sözüg uqsa bolmas, yalim qaya yiqsa bolmas* (ДЛТ,329).

⁴⁴ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Б. 56.

Бу мақолдаги *telim söziig* – «кўп сўзни» маъносида. Иккинчи қисмдаги қиёсланаётган нарса Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, *yalim qaya* – «пишиқ, қаттиқ тоғ» маъносида келган. Девонда ҳам *yalim qaya* сўзининг изоҳи сифатида юқоридаги мақол учрайди. Шундай экан, «[Жуда] кўп сўзни тушуниб бўлмас [илғаб бўлмас], қаттиқ тоғни (қояликни) синдириб бўлмас». Гапнинг кесими *uqsa bolmas* – «уқиб, тушуниб бўлмайди» тарзида келиб, кейинги қисмда эса, *yiqsa bolmas* – «йиқитиб бўлмайди», «синдириб бўлмайди» маъносида қўлланган. Қўшма гап таркибидаги ҳар иккала қисмнинг кесими инкор шаклида бўлиб, бунда зидлик мазмуни эмас, балки воқеа-ҳодисалар бир-бирига қиёсланган, ўхшатишган.

Мақолларда бадиий тасвир воситаларидан ҳам унумли фойдаланилган. Буларнинг бари уларнинг таъсир кучини ошириш, қулоққа ёқимли эшитилишини таъминлашга хизмат қилади.

«Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган мақолларда куйидаги бадиий санъатлардан фойдаланилган:

аллитерация: *Öküz adaqı bolğınca, buzağu başi bolsa yeg.* – «Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ» (ДЛТ,37). Бу ерда [b] товуши аллитерацияни ҳосил қилмоқда.

Аллитерация сўзлар бошидаги ҳарфларнинггина мослашуви эмас. У сўзлар ичида ҳам келиши мумкин. Бунда бутун матн назарда тутилади: *Tay atatsa / atıtsa, at tınur, oğul erädsä, ata tınur.* – «Той улғайса, от тинади [яъни, от минишдан кутқарилади], ўғил ўсса, ота тинади (ДЛТ,94). Мақолдаги сўзларнинг турли ўринларида келган [t] товуши аллитерацияни ҳосил қилмоқда.

Тазод қадимги туркий мақолларнинг катта қисмини ташкил этади. Халқ кўп ҳолларда икки жиҳатни қарама-қарши қўйиш орқали чоғиштиришга, фикрлашга ундаган. Чунки улар тузилишига кўра икки воқеа-ҳодисанинг ўзаро солиштирилиши устига қурилган. Масалан: *Alp yağida, alçaq çoğida.* – «Ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда sinalади» (ДЛТ,31). Бу мақолда *alp* (ботир) – *alçaq* (ювош)га маъно жиҳатидан қарши қўйилмоқда.

Alimçi – arslan, berimçi – siçğan. – «Олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон» (ДЛТ,164). Ушбу мақолдаги ҳар тўртала сўз маъносига кўра антонимдир. Масалан, мақол матнидаги *alimçi* билан *berimçi* ўзаро матн мазмунига кўра қарама-қарши бўлса, *arslan* билан *siçğan* ҳам ўзаро зиддир. Солиштирилаётган нарсаларнинг биринчиси инсонлар бўлса, иккинчиси ҳайвонлар. Шу бир мақолнинг ўзида тазод билан бирга ташбех/истиора⁴⁵ (қарз олганни сичқонга, қарз берганни эса арслонга ўхшатишмоқда), аллегория (арслон ва сичқоннинг иштироки) ҳам қўлланилмоқда.

Kişi alası içtin, yilqi alası taştin. – «Кишининг оласи (бузуқ фикри) ичида; йилқиники ташида, сиртида» (ДЛТ,49). Мақолда келган *içtin* ва *taştin* сўзлари ўзаро антонимдир. Бу ерда ҳам икки нарса: инсон ва ҳайвон характери солиштирилмоқда. Инсон ўз характерини яширса, ташқарисига чиқармаса, ҳайвоннинг оласи эса кўриниб турган нарса эканлиги айтилмоқда. Инсон ўз характерини (хоҳ у яхши, хоҳ ёмон бўлсин) бошқаларга кўрсатиши одобдан эмас.

⁴⁵Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент, 2008. – Б. 29–30.

Tünlä yurup kündüz sewnür, Kiçigdä ewlänip, ulğadu sewnür. – «Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшликда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради» (ДЛТ,353).

Мақолларда мазмунни ўқувчига яхшироқ тушунтириш учун ташбеҳдан фойдаланилади. Масалан: *Ermägükä ešik art bolur.* – «Ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепасидек кўринади» (ДЛТ,31). Мақол дангасанинг хислатини, характерини кўрсатмоқда. Ўхшатишда мушаббих – ўхшамиш (*эшик остонаси*), мушаббихи бих – ўхшатишмиш (*тоғ тепаси*), важҳи шабеҳ – асос, орадаги ўхшашлик (*баландлик*), одоти ташбеҳ – восита (*-дек*) кўринади.

Юқоридаги мақолнинг бошқа бир варианты – *Ermägükä bulit / bulut yük bolur* – «Ялқовга булут сояси ҳам юк бўлади» (ДЛТ,69). Булут сояси кишига юк бўлиши мумкин эмас. Лекин танбал одам шуни ҳам рўкач қилиб, ўрнидан туришни истамайди. Бу ўринда муболаға санъати ҳам қўлланган. Ҳолатни, дангасанинг характерини аниқроқ тушунтириш учун бўрттиришдан фойдаланилган. Мақолдаги оғир юкка ўхшатилаётган нарса бу булутдир.

Tünlä bulit örtänsä, ewlüg urī keldürmišçä bolur, Tañda bulit örtänsä, ewkä yağī kirmišçä bolur. Маъноси: «Кечқурун булут қизарса, хотин ўғил тукқандек, эрталаб булут қизарса, ёв уйга киргандек бўлади» (ДЛТ,108). Ушбу мақолда икки хил вазият, яъни кечқурун булут қизариши ҳамда тонгда булут қизаргандаги вазият икки хил ҳодисага ўхшатишмоқда. Мақолда ташбеҳнинг гўзал намунасини кўришимиз мумкин.

Öküiz adaqī bolğinça, buzağū bašī bolsa yeg. Маъноси: «Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ» (ДЛТ,37). Ушбу мақолда кишилар мустақилликка, эркинликка чақирилмоқда. Чунки ўхшатилаётган нарса бу хўкизнинг оёғи. Аёнки, хўкизнинг оёғи унинг тагида қолиб, бутун оғирлик ўшанга тушади. Шунинг учун инсонларга хўкизнинг оёғи бўлма, ишнинг оғири сенга қолади, ундан кўра бузоқнинг боши бўлганинг яхши дейилмоқда. Бунинг билан улуғларнинг кетида юргандан кўра кичикларнинг бошида туриш афзал эканлиги таъкидланаётир.

Таухисга мисол: *Ešič ayur: tübüim altun. Qamič ayur: men qayda-men / qanda-men?* – Қозон айтур: тубим олтин. Чўмич айтур: мен қайдаман [Қозон: «Тубим олтин», деб мактанса, чўмич: «Ундай бўлса, мен қайдаман?» – дейди] (ДЛТ,35). Мақолда қозон билан чўмич гапиртирилмоқда. Бу мақол кишининг кимлигини ҳамма яхши билади-ю, лекин танишлар олдида мактанувчи кишига қарата айтилади. Қозон ва чўмич муносабатини барча кишилар билгани учун мақол айни шаклда қўлланган. Бу ҳол мақолнинг мазмуни ўқувчи ёки тингловчи эсида яхшироқ сақланиши учун ишлатилади.

Miš yaqriqa tegišmäs, ayur: Kiši näñi yarašmas. – «Мушук миҳга осилган ёғ (чарви)га етолмай (ета олмагач), «бировнинг моли ярашмайди», – дейди» (ДЛТ,239). Ҳозирда ушбу мақолнинг «Мушук гўштга бўйи етмай, пуф сассиқ, дейди», шакли бор. Ушбу мақолда ҳам мушук кишилар характерини очиб бермоқда. Бирор нарсага етиша олмаган киши ўша нарсага охир оқибат кўз юмиши, ундан шу тахлитда воз кечиши уқтирилаётир.

ХУЛОСА

XI юзйилликнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида келган мақолларнинг семантик ва стилистик жиҳатларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Туркий халқларнинг XI юзйилликкача бўлган оғзаки ижоди намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк»ида келган турли жанрдаги асарларда ўз аксини топган. Улар ичида халқ мақолларининг кўплаб учраши мазкур жанрнинг қай даражада ривожланиб, такомил босқичига етганидан далолат беради. Туркий халқларнинг кунимизгача ёзма шаклда етиб келган йирик ҳажмли мақоллари айнан Маҳмуд Кошғарий асарида етиб келган бўлиб, бугунги кунда улар фольклоршунослар, тилшунослар диққат марказидадир.

2. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк» асарида келган туркий мақоллар халқимизнинг узоқ ўтмиши, маънавияти, маданияти, тарбияси, турмуш тарзидан хабар берувчи асарлардир. Уларда ўқилган ҳар бир ҳукм халқнинг кўп йиллик тажрибасига таянган, «етти ўйлаб, бир айтилган» фикрларидир. Шунинг учун мақолларга *халқ донолиги, отасўзлари* дея таъриф берилган.

3. Ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучуги таъсирида шаклланган мақоллар ўзида айтилмоқчи бўлган фикрнинг қисқа ва лўнда шаклини тутган. Уларда шакл ва мазмун мутаносиблиги тўғри қўйилган. Халқ ҳикматлари мақол шаклига келгунгача бўлган давр оралиғида сайқалланиб, жилоланиб, яхлит бир қолип шаклига келган. Мақолларда тежамкорлик принципи амал қилади. Энг керакли, асосли фикр, ҳаёт фалсафаси бир-икки жумлада ифода этилади. Бир сўз билан айтганда, мақоллардаги ихчамлик, тежамкорлик ҳамда мазмун мутаносиблиги уларнинг балоғат даражасидаги асар эканлигидан далолат беради.

4. Халқ мақоллари бошқа ҳикматли сўз ва иборалардан ўзининг ҳажм жиҳатидан қисқалиги, шунинг билан бирга, чуқур маънога эгалиги, шеърӣ ва насрий кўринишга эгалиги, уларда ҳаётдаги у ёки бу воқеа-ҳодисага муносабати, берилган хулосаларнинг эса ҳукм тарзидалиги билан ажралиб туради. Халқ ўзининг турмушдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини айнан мақоллар орқали берган. Бадиий асарларда мақолларнинг ишлатилиши айнан шу принцип асосига қурилган. Ҳаттоки, кейинги давр асарларида ҳам мақолларнинг қўлланиши айрилмоқчи бўлган фикр ўқувчига тез ва осон етиб боришига ёрдам беради.

5. Мақоллар йиллар давомида шаклланади, уларнинг мавзулари эса жамият турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Уларда халқ, миллат психологияси, характерининг ўзига хос хусусиятларини кўриш мумкин. Шунинг учун мақолларни чинакам балоғат даражасидаги халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида талқин этса бўлади. Шундай бўлса-да, баъзи мақоллар халқчиллиги, тарбиявийлиги ва миллийликни сақловчилари йиллар оша, асрлар оша яшаб келган.

6. Мақоллар тузилишига кўра қисқа ва лўнда бўлиши билан бирга, уларда маълум қолип бор. Мақолларда мазмунни очувчи маълум калит сўзларнинг ишлатилиши, тузилиш жиҳатидан эга ва кесимдан иборат эканлиги, иккинчи даражали бўлақларнинг кўпинча қўлланмаслиги билан характерланади. Қадимги туркий мақолларнинг кўпчилиги сажъда битилган.

7. Қадимги туркий мақолларнинг аксари кунимизгача етиб келган. Замон ва макон билан боғлиқ бўлган мақоллар эса унут бўлган. Етиб келган мақолларнинг кўпчилиги ўз ҳолича (баъзи эскирган сўзларнинг янгиси билан алмаштирилиши), қисқарган ҳолда (қўшма гап шаклидагисининг бир гапи тушиб қолган шаклда) ёки бироз ўзгарган (маъноси сақланган ҳолда) вариантда етиб келган.

8. Халқ оғзаки ижоди саналмиш қадимги туркий мақоллар синтактик қурилишга кўра содда гап (эга ва кесимдан иборат), қўшма гап (боғланган, эргашган) ҳамда шеърий (иккилик, тўртлик) шаклга эга. Шу билан бирга, улар фонетик воситалар (аллитерация), сажъ, параллелизмлардан ташкил топган. Буларнинг барчаси мақол матнининг ҳам маъно, ҳам шакл мутаносиблигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилган.

9. «Девону луғати-т-турк»да келган мақолларда матн тугаллигига эришиш учун турли бадий тасвир воситалари – сифатлаш, ўхшатиш, зидлаш билан бирга оҳанг ҳам уларнинг бадийлигини таъминлашда хизмат қилган. Бу воситалар мақол мазмунини ўқувчига яхшироқ ва тушунарлироқ очиб бериш учун ишлатилган. Биргина ўхшатиш асосига қурилган мақоллар тузилишига кўра қўшма гап шаклида бўлиб, биринчи гаптаги ўхшатилаётган нарса, иккинчи гаптаги нарсага ё тенг, ё қарши қўйилади. Биринчи гапта тасдиқ шаклида бўлса, иккинчисида инкор ҳолида келган. Бу ҳодиса мақол мазмунини яхшироқ тушунтириш ва очишга ёрдам берган.

10. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида келган мақоллар туркий халқларнинг минг йиллар оша шаклланган халқ бадий-фалсафий тафаккурининг намунаси сифатида шаклланган бўлиб, унда халқнинг бола тарбиясидаги ўй-қарашлари, ҳаётий воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатини билдиради. Ундаги ҳар бир фикр халқнинг миллий-маданий менталитети, замон ва макон билан боғлиқ, дунёни англашдаги қарашлари мужассамлашган асарлар намунасидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

МИРЗААЛИЕВ ИКБОЛЖОН МИРЗАКАРИМОВИЧ

**СЕМАНТИКА И СТИЛИСТИКА ДРЕВНЕТЮРКСКИХ ПОСЛОВИЦ
(ПО МАТЕРИАЛАМ «ДИВАНУ ЛУГАТИ-Т-ТУРК»)**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Fil832.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashgiv.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Садиков Касимжон Пазирович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Дадабаев Хамидулла Арипович
доктор филологических наук, профессор

Рахмонов Насимхон Аскарлович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 10 » июне 2020 года в 9:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 при Ташкентском государственном университете востоковедения. (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабз, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрированной за № 1). (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабз, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Автореферат диссертации разослан « 26 » мая 2020 года.
(Протокол реестра рассылки за № 1 от « 26 » мая 2020 года).



А.М. Маннонов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол. наук, профессор

Р.А. Алимухамедов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол. наук

Б. Тухлиев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертационной темы. Пословицы являются одним из классических жанров устного народного творчества народов мира, в котором запечатлены многовековая история, быт, национальная культура, этнография, мечты и желания, мировоззрение, думы и взгляды, языковое богатство народа, накопившееся в течение многих веков. В народных пословицах в краткой и лаконичной форме отражены философские заключения человечества, полученные на основе жизненных опытов. Их можно охарактеризовать как бесценное наследие мудрости предков, плод поэтического мышления народа и неповторимую память истории языка.

Сегодня в мировой фольклористике ведущее место занимает изучение пословиц. Преимущественно осуществляются отдельные исследования по изучению образцов устного народного творчества, дошедших до наших дней в письменном виде. Сегодня произведение Махмуда Кашгари «Свод тюркских языков» («Девону лугати-т-турк»)¹ исследуют наравне с литературоведами-фольклористами и языковедами. В мировой языковедении изучаются лингвокультурологические, семантические и стилистические особенности древних пословиц, отчасти родственных и неродственных пословиц, проводятся исследования по вопросам соответствия их форм и содержаний.

Сегодня в связи с осознанием сущности национальных ценностей и их духовных основ, возрастает необходимость последовательного изучения письменного наследия наших предков. По случаю объявления ЮНЕСКО 2008 года годом Махмуда Кашгари, во многих странах мира были проведены международные научные, научно-практические конференции и форумы по изучению научного наследия великого ученого². В рамках данных мероприятий были заслушаны доклады о жизни и деятельности Махмуда Кашгари, результатах проведенных исследований по «Дивани лугати-т-тюрк», научных изысканий, которых необходимо еще провести³. Несмотря на то, что в тюркологии осуществлены серьезные исследования по данному произведению, все же закономерности, присущие поэтическому и стилистическому механизму произведений устного народного творчества, в частности, пословиц, окончательно не решены. В том числе, пока не полностью изучены в монографическом плане масштаб тематики пословиц, приведенных в данном труде, их значение в жанровом развитии, поэтические и языковые особенности, а также социальные, художественно-эстетические и стилистические аспекты пословиц.

Данное исследование в определенной степени способствует реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля

¹ Далее в тексте применяется оригинальное название произведения в русской интерпретации – «Дивани лугати-т-тюрк», в скобках – сокращенный вариант – ДЛТ.

²Смотреть: Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshg'ariy hayoti va «Devonu lug'ati-t-turk» bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – Toshkent: Akademnashr, 2011. – С. 35-36.

³Там же.

2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»⁴, Указе Президента Республики Узбекистан от 16 февраля 2017 года УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования»⁵, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2017 года ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности»⁶, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года ПП-2909 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы высшего образования»⁷, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников»⁸, а также других нормативно-правовых документов, касающихся данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование проведено согласно приоритетному направлению развития науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Махмуд Кашгари является первым исследователем народных пословиц. Он для разъяснения смысла и значения слова, в своем труде «Дивани лугати-т тюрк» местами приводит примеры из образцов устного народного творчества. Это отрывки из древних поэм, поэтические фрагменты народных песен, а также пословицы, широко распространенные среди тюркских народов. Автор, включая в свое произведение народные пословицы, поясняет их смысл, а также обстоятельства их применения.

Дальнейшие исследования по тюркским пословицам начались со второй половины XIX столетия. В частности Г.Вамбери в 1867 году в своем «Учебнике чагатайского языка» приводит древние тюркские пословицы. После него фольклористами начаты сбор, издание узбекских народных пословиц⁹. Узбекские народные пословицы были переведены и на русский язык¹⁰.

⁴Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. 13 февраля 2017 года, №6, п. 70.

⁵Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 27 феврал 2017 йили, №8, п. 106.

⁶Там же, п. 117.

⁷Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 10 май 2017 йили, №18, п. 313.

⁸Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 29 май 2017 йили, №21, п. 389.

⁹Фозилов Э. Махмуд Кошғарий ва унинг девони. // журнал «Ўзбек тили ва адабиёти». № 5. – Тошкент, 1971. – С. 35-38; Муталлибов С. «Девону луғотит турк» ва унинг таржимаси. // журнал «Ўзбек тили ва адабиёти». № 5. – Тошкент, 1971. – С. 41; Абдурахмонов Ф. «Девону луғотит турк» асарининг ўрганилиши тарихидан. // журнал «Ўзбек тили ва адабиёти». – Тошкент, 2009. № 6 – С. 49-51; Худойбердиев Ж. Махмуд Кошғарий ҳаёти ва унинг «Девону луғотит турк» асарининг ўрганилиши. – Тошкент, 2010; Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк. Қазақстанские востоковедческие исследования. Перевод, предисловие и комментарии З.-А.М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005; Девону луғотит турк. Индекс-луғат Ф. Абдурахмонов ва С. Муталлибов тахрири остида. – Тошкент, 1967; С.Рустамий. «Девону луғоти-т-турк»даги лингвистик атамалар. – Тошкент. 2006; Т.Mirzayev, O.Safarov, D.O'rayeva. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. Toshkent. 2008; Biktagirova Z. Kaşgarlı

